

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Норматов Отабек,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти, катта ўқитувчиси  
otabeknormatov@mail.ru

## ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

*For citation: Normatov Otabek. SOME OPINIONS ON THE HISTORY OF THE MIDDLE-ZARAFSHAN DISTRICT. Look to the past. 2020, SI, pp.398-404*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-51>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёда 1926 йилда ўтказилган районлаштириш сиёсати арафасидаги Зарафшон водийсининг умумий ҳолати ва ижтимоий жараёнлари акс эттирилган. Мақолада Ўрта Зарафшон округининг маъмурий-худудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уларнинг айрим жиҳатлари, чорвачилик соҳаси ва уларнинг умумий ҳолати, транспорт алоқалар тизими, округнинг саноатини ўзига хослиги, округда савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилиш жараёнлари статистик маълумотлар ва турли бюллетен материалларидаги маълумотлар асосида ўзига хос равишда таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Зарафшон водийси, Ўрта Зарафшон округи, Районлаштириш, иқтисодий районлаштириш сиёсати, районлаштириш комиссияси, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳаси, статистик маълумотлар, қишлоқ советлари, савдо муносабатлари, транспорт алоқалар тизими.

Норматов Отабек,  
старший преподаватель Ташкентского института  
инженеров ирригации и механизации  
otabeknormatov@mail.ru

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ ПО ИСТОРИИ СРЕДНЕ- ЗАРАФШАНСКОГО ОКРУГА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье отражены общее положение и социальные процессы Зарафшанской долины в канун проведения политики районирования в Средней Азии в 1926 году. В статье анализируются административно-территориальное устройство Средне-Зарафшанского округа, этнический состав населения, сельскохозяйственная отрасль и ее некоторые особенности, отрасль животноводства и ее общее состояние, система транспортной связи, промышленность округа, особенности налаживания торговых отношений и процессы его осуществления на основе статистических данных.

**Ключевая слова:** Зарафшанская долина, Средне-Зарафшанский округ, районирования, политика экономического районирования, комиссия районирования, этнический состав населения, сельскохозяйственная отрасль, отрасль скотоводства, статистические данные, сельские советы, торговые отношения, система транспортных связей.

**Normatov Otabek,**

Senior Lecturer, Tashkent Institute of Irrigation and  
Agricultural Mechanization Engineers  
otabeknormatov@mail.ru

**SOME COMMENTS ON THE HISTORY OF THE MIDDLE-ZARAFSHAN DISTRICT****ABSTRACT**

This article reflects the general situation and social processes of the Zarafshan Valley on the eve of the regionalization policy in Central Asia in 1926. The article analyzes in a peculiar way the administrative-territorial structure of the Middle Zarafshan district, its ethnic composition, the agricultural sector and some of its features, the livestock industry and its general condition, the transport communication system, the distinctiveness of the district's industry, the specifics of establishing trade relations data and information of various bulletin materials.

**Index Terms:** Zarafshan Valley, Middle Zarafshan District, Zoning, Economic zoning policy, zoning commission, ethnic composition of the population, agricultural industry, cattle breeding industry, statistical data, village councils, trade relations, transport links system.

Долзарблиги. Маълумки, Ўрта Осиёда совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1925-1926 йилларда ўлкада районлаштириш тадбирлари ўтказилди. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Ўзбекистон ССРда районлаштириш тадбирининг ўтказилиши Зарафшон водийсини ҳам четлаб ўтмади. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг ташкил этилган Зарафшон вилояти ўрнида, Республиканинг марказий районлаштириш комиссияси томонидан, Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари ташкил этилди. Ўрта Зарафшон округининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уларнинг айрим жиҳатлари, чорвачилик соҳаси ва уларнинг умумий ҳолати, транспорт алоқалар тизими, округнинг саноатини ўзига хослиги, округда савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилиш жараёнлари статистик маълумотлар ва турли бюллетен материалларидаги маълумотлар асосида

ўрганилиши мавзу долзарблигини ташкил этади.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишдан сўнг ташкил этилган Зарафшон вилояти ўрнида, Республиканинг марказий районлаштириш комиссияси ва Зарафшон вилоят районлаштириш комиссияси томонидан, Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари ташкил этилиши тарихи мавзусига оид тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳ: совет даври, мустақиллик йиллари ҳамда хорижий тадқиқотларга бўлиш мумкин.

Масалан, совет ҳокимияти йилларида давлат ва сиёсат арбоблари, тарихчилар томонидан яратилган айрим тадқиқотларда Ўрта Зарафшон округлари тарихи ва аҳолиси ҳақидаги фикрлар маълум маънода ўз аксини топган.

XX аср 20 - 30 - йилларида чоп этилган бошқа бир туркум адабиётларда Ўрта Зарафшон округлари тарихи ва хўжалик аҳволи тўғрисида сўз юритилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССРнинг раҳбарлари, сиёсий арбобларнинг Ўрта Зарафшон округлари тарихи ва хўжалик аҳволи тўғрисидаги мақолалари ва нутқлари ҳам мавжуд. Бу мақола ва нутқларнинг муаллифлари таниқли давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев ва бошқалар бўлган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишдан сўнг ташкил этилган Зарафшон вилояти ўрнида, Республиканинг марказий районлаштириш комиссияси ва Зарафшон вилоят районлаштириш комиссияси томонидан, Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари ташкил этиш режалаштирилганлиги ва кейинчалик амалга оширилганлиги ҳақида тарихий манбалар асосида сўз юритиладиган бўлса, хусусан Ўзбекистон ССРда районлаштириш бўйича марказий ва вилоят комиссиялари тузилди. Марказий комиссияга раис А.Мавлонбеков бошчилигида Зелькина, Мўмин Хўжаев, Ф. Хўжаев, Прохоров, Е. Конобоев, Горбунов, Шербаков ва бошқалар тайинланди[1]. Бундан ташқари 7та вилоят бўйича ҳам алоҳида комиссиялар раис ва аъзоларга бўлинди. Жумладан Ўрта Зарафшон (Кармана) округига Б.Ф.Морозов ва А.И.Прошутинский тайинланди[2]. Районлаштириш комиссиясининг 1926 йил 29 сентябрдаги сўнгги йиғилишида қарор қабул қилиниб, республикадаги вилоятлар, уездлар ва волостлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнида округлар, районлар (туманлар) ва қишлоқ советлари (шўролар) ташкил этилди. Марказнинг Районлаштириш Комиссияси янги маъмурий бирликларни белгилашда қуйидаги белгиларга асосланди:

- Ирригация тизимининг умумийлиги;
- Миллий белгиларига кўра бирлашган аҳоли яшовчи алоҳида худудларни ажратиш (айниқса, қишлоқ советларини тузишда);
- Иқтисодий интилишлари ва аҳоли учун одатий савдо йўлларини сақлаб қолиш;
- Хўжалик шакллари йўналишларининг умумийлиги, ва сақланиб қолган қариндошлик алоқаларидаги алоҳида худудларнинг маданий ва хўжалик жиҳатдан равнақ топишига тўсқинлик қиладиган томонларини тўғри ҳал қила оладиган шароитларни яратиш[3].

Кўрсатиб ўтилган белгиларга асосланиб, Ўзбекистоннинг маъмурий-хўжалик тузилишининг ушбу лойиҳаси ишлаб чиқилди. Район ва округларни лойиҳалаштириш ва тузиш қуйидаги материаллар асосида амалга оширилди:

1. Районлаштириш Комиссияси томонидан 1926 йилда ўтказилган текширувларнинг статистик маълумотлари.

2. Шу материаллар асосида тузилган икки вёрстли хариталар (маъмурий, ирригацион, этнографик ва савдо-сотик).

3. 1917 йил, 1920 йил рўйхатга олиш ва 1924 йилги текширув маълумотлари.

4. Махаллий аҳолининг шахсий тажрибаси ва билими асосидаги маълумотлар. Жумладан;

а) Аҳоли, хўжаликлар, экинлар ва чорвани ҳисоблаш учун Давлат режалаштириш бўлимининг назорат рақамларидан; бунда аҳолининг этнографик таркиби 1926 йил текшируви бўйича олинди.

б) Майдонларни ҳисоблаш учун - 2 вёрстали хариталардан.

в) Тижорат, агрономик, даволаш ва бошқа тармоқларни аниқлаш учун - муассасалар маълумотлари томонидан таҳрирланган 1926 йилда тўпланган материаллари.

г) Савдо муассасалари ва уларнинг айланмалари патент статистика маълумотлари асосида олинган маълумотлари.

д) Аҳоли пунктлари сони - 1926 йил текшируви, 1917 ва 1920 йиллар рўйхатга олиш ва 1924 йил йиғилган маълумотлари.[2]

1924 йилнинг охирида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишдан сўнг Бухоро Республикаси ҳудуди уч қисмга, яъни, янги ташкил топган Туркменистон ССР, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРга бўлинди. Бухоро Республикасининг каттагина қисмида яъни Зарафшон водийси ҳудудлари, Зарафшон вилоят ташкил этилди[4].

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши республикадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кучайишига олиб келдики, уларга бир қанча омиллар таъсир кўрсатди. Бу омилларнинг энг муҳимларидан бири Ўзбекистон фақат номигагина СССР таркибидаги суверен республика ҳисобланганлиги, СССР эса ўз моҳияти билан унитар (қўшма) давлат эканлиги эди. Ўзбекистон иттифоқ партия-совет органларига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти ва директиваларини, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларини оғишмай бажаришга мажбур эди, уларда эса республикадаги мавжуд воқелик ҳамиша ҳам ҳисобга олинмасди. [5]. Зарафшон вилоят ташкил этилишида ҳам ана шу омиллар бор эди. Кейинчалик Зарафшон вилоят ўрнида Бухоро округи ва Ўрта Зарафшон округлари ташкил этилди. Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Бухоро округи шимолда Конимех автоном райони билан, ғарбда ва жануби-ғарбда Туркменистон ССР билан, жануби-шарқда Қашқадарё округи ва шарқда эса Ўрта Зарафшон округи билан чегараланган.

Бухоро округи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, округ ҳудудини ҳар томондан қумликлар ўраб олган бўлиб, шарқда Зарафшон дарёсининг этаклари билан туташган бўлса, Ўрта Зарафшон округига қуйидаги ҳудудлар кирган: Дастлабки Зарафшон вилоятининг Кармана уезди тўлалигича, Нурота уезди (фақат Қўшробод волостидан ташқари), Самарқанд вилояти Каттақўрғон уездининг 9та волости (Дамариқ, Жом, Жўйишағр, Калқўрғон, Мингариқ, Наука, Пайшанба, Чимбой ва Ёрбоши), Хўжа-ариқ волостининг Суғот, Фрунзе (Човли) ва Ленин (Кўтарма) қишлоқ советлари, Сирғали волостининг Улуғ, Тўртқапа ва Арабхона қишлоқлари, Оқтепа волостининг Андак (Андоқи) қишлоқ совети ва Жиззах уездининг Синтоб волости кирган[6].

Округнинг умумий майдони 15.132 квадрат вёрста\*ни ташкил этиб, округ шимолдан Қозоғистон билан, шарқдан Самарқанд округи билан, жанубдан Қашқадарё округи билан, ғарбдан Бухоро округи билан ва шимоли-шарқдан эса Конимех райони билан чегараланган [2, - С. 49]. Ўрта Зарафшон округининг муваққат маркази Кармана шаҳри, тўлиқ Кармана, қисман Нурота, Жиззах, Каттақўрғон уездлари ва Каттақўрғон шаҳри асосида туманлардан иборат бўлган. [7]. Районлаштириш комиссияси томонидан Ўрта Зарафшон округида қуйидаги бта район ташкил этиш режалаштирилди ва кейинчалик амалга оширилди: Нурота, Кармана, Хатирчи, Нарпай, Қорадарё ва Дамариқ районлари [8]. Ўрта Зарафшон округининг умумий аҳоли сони 240 346 нафар бўлиб, уларнинг 25 631 нафари (10,7 %) шаҳар аҳолиси, 214 715 нафари (89,3%) эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланиб, 46 411 хўжаликдан (хонадондан) иборат бўлган[9].

Округ ҳудудида 859 та аҳоли яшаш манзиллари ва 3 та шаҳар: Кармана, Каттақўрғон ва Нурота шаҳарлари мавжуд бўлган. Қишлоқ аҳолиси асосан сув манбалари атрофига яъни ариқ, сой ва каналлар атрофларида жойлашган бўлиб, улар хутор\*\*ларга бўлинган. Округ бўйича қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг зичлигини ҳисобга олганда 1 квадрат вёрстага 29,7 кишига, фақат қишлоқ аҳолиси ҳисобга олинганда эса 28,1 киши тўғри келган. Лекин ҳар бир район бўйича алоҳида кузатилса, аҳоли зичлиги кескин фарқ қилиб, 1 квадрат вёрстага 4,3 кишидан 104,8 кишигача тўғри келганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан сув манбалари бой районларда аҳоли зичроқ, сув манбалари камроқ бўлса эса сийрақроқ жойлашган. Масалан Қорадарё районида 1 квадрат вёрстага 104,8 кишига, Нурота районида эса 1 квадрат вёрстага 4,3 кишига тўғри келган[2].

Ўрта Зарафшон округи аҳолисининг миллий таркибига эътибор берадиган бўлсак, асосан 85,3 % ини ўзбеклар, 6,3 % ини туркманлар, 2,4 % ини қирғизлар ва 3,6 % ини тожиклар ташкил этган. Кўриниб турибдики аҳолининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлган.

Ўрта Зарафшон округида қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланган. Округ ҳудудини қишлоқ хўжалиги фойдаланиш хусусиятига кўра икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи асосий ва марказий қисм ҳисобланиб, унга Зарафшон воҳасининг марказий қисми кириб, унда интенсив суғорма деҳқончилик ва шимолий тоғли ҳудудларида эса йирик қора мол етиштирилган. Иккинчи жанубий қисмида эса экстенсив чорвачилик яхши йўлга қўйилган эди.

Округнинг умумий экин майдони 97.361 десятина\*\*\* бўлиб, шундан 55.752 десятина (57,2%) суғориладиган, 41.609 десятинали (42,8%) эса лалмикор ерлар ҳисобланган[2]. Лалмикор ерларнинг асосий қисми, Жом районида тўғри келган. Жом районида асосан лалми буғдой етиштирилган. Округнинг марказий қисми бўлмиш Зарафшон воҳасида эса асосан суғорма деҳқончилик экинлари: пахта, кунжут, гуруч, тамаки ва қишки буғдой етиштирилган. Округ бўйича тақсимланганда ерлар, ҳар бир хўжаликка 2,1 десятинадан, яъни ҳар 100 кишига 120 десятина суғорма ва 70 десятинадан лалми ерлар тўғри келган. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, округ бўйича қаровсиз, ишловсиз ерлар ҳам анчагина миқдорни ташкил этган. Шунинг учун ҳам ерлардан фойдаланиш даражаси округ бўйича ҳар бир районда турлича бўлган деб айтиш мумкин.

Ўрта Зарафшон округининг чорвачилиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ўзига хос кўринишда бўлган. Округнинг марказий қисмида қорамол асосан ишчи кучи сифатида фойдаланилган. Унинг гўшти ва сутидан эса озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинган бўлса, шимолий ва жанубий қисмларида эса майда қорамоллар

бўрдоқчилик ва жун учун етиштирилган. Округ чорвачилигида диққатга сазовор соҳа қорақўлчилик бўлиб, қорақўл қўйлари округ яйловларида чўпонлар томонидан алоҳида эътибор билан боқилган.

Маълумотларга кўра, чорва молларининг умумий миқдори округ бўйича 307 432 бош ҳисобланиб, унинг 6,6 % ни отлар, 26,2 % ни йирик қорамоллар, 57 % ни эса қўй ва эчкилар ташкил этган[2]. Округда йирик қорамоллар парвариш қилиш биринчи ўринда бўлган бўлса, майда қорамоллар эса асосан округнинг шимолий ва жанубий қисмидаги тоғли районларида етиштирилган.

Ўрта Зарафшон округининг саноатига эътибор берадиган бўлсак, у бошқа округлар каби ўзига хос кўринишга эга бўлган. Округда йирик саноат унчалик ривожланмаган. Шундай бўлсада округ бўйича 3 та пахта тозалаш заводи ва битта тамаки фабрикаси фаолият юритган. Бундан ташқари округда 213 та маҳаллий тегирмонлар, 940 та ёғ-мой ишлаб чиқарувчи, 1 та гишт заводи, 24 та темирчилик устахонаси, 1672 та тикувчилик корхонаси ва 4 та пойафзал устахоналари фаолият юритганини манбалардан кузатиш мумкин[2].

Ўрта Зарафшон округида савдо-сотиқ муносабатлари ўзига хос равишда ташкил этилган. Округнинг асосий савдо-сотиқ ишлари асосан Кармана, Каттақўрғон, Нурота шаҳарларида ва Пайшанба, Чимбой қишлоқларида олиб борилган. Округ ҳудудида жами 36та бозорлар фаолият юритган бўлиб, уларнинг жойлашуви туманларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолати, шарт- шароитидан келиб чиқиб турлича бўлган. Бозорларда асосий савдо-сотиқ ишлари ҳафтанинг белгиланган бозор кунларида амалга оширилган. Округда фақат олди-сотди билан шуғулланувчи савдо шоҳобчаларидан ташқари махсулотларга қайта ишлов берувчи ва махсулотлар қабул қилувчи пунктлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 26 та бўлган. Уларнинг 12 таси қорамол ёғини қайта ишловчи, 4 таси қуруқ мева қабул қилувчи ва 10 таси пахта сотиб олувчи пунктлардан иборат бўлган.

Округда 1 376 та савдо шоҳобчалари бўлиб, уларнинг 36таси давлатга қарашли, 15 таси тижорат ва 1 325таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо мажмуаларининг пул айланмаси 9 214 000 рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 5 952 000 рубли давлат шоҳобчаларига, 824 000 рубли тижорат шоҳобчаларига ва 2 438 000 рубли хусусий шаҳобчалар ҳиссасига тўғри келган[2].

Ўрта Зарафшон округининг транспорт алоқалар тизими ҳам ўзига ҳослиги билан характерланади. Округдан Ўрта Осиё темир йўлининг муҳим йўналиши кесиб ўтган бўлиб, унинг узунлиги 147 вёрстани ташкил этган. Округ ҳудудида қуйидаги темир йўл станциялари мавжуд бўлган: Нагорное, Каттақўрғон, Зирабулоқ, Зиёвуддин, Кармана ва Малик. Бу темир йўл станцияларидан Марказ ўз манфаатлари йўлида фойдаланган бўлсада, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. 1923 - 1924 йиллардаги тарихий маълумотларга қараганда бу темир йўллардан 1 521 000 пуд\*\*\*\* миқдордаги турли хил махсулотлар Марказга жўнатилган. Округ ҳудуди бўйлаб темир йўллардан ташқари округнинг марказий манзилларини ва аҳоли пунктларини бир-бири билан боғловчи турли хил йўллар ҳам мавжуд бўлиб, бу йўллар ҳам ҳудуднинг иқтисодий раванқи, савдо-сотиқни ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этган.

#### 4. Хулосалар:

Районлаштириш сиёсатининг ўтказилиши арафасида Ўзбекистон ССР маъмурий-ҳудудий бўлинишида катта ўзгаришлар қилинди. 1925 йил январда Ўзбекистон ССРда илк бор маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, жумладан Зарафшон вилояти ташкил топди.

1926 йили районлаштириш сиёсати натижасида Ўрта Зарафшон округи ташкил этилиб, унинг маркази Кармана шаҳри ҳисобланган. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан округда 20 та волост ва 71 та қишлоқ совети ўрнига 6 та район ва 97 та қишлоқ совети тузиш режалаштирилди ва кейинчалик районлаштириш ўтказилган пайтда бу режа амалга оширилди.

Ўрта Зарафшон округи Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланган. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш даврида бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-сиёсий ва бошқа жиҳатларининг қисқача таҳлили шуни кўрсатмоқда. Ўрта Зарафшон округи тарихини янада батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Uzbekistan TsGA, stock R-86, 1st list, 3405 delo, list 14-15.
  2. Materialy in Uzbekistan Uzbekistan. Vypusk I. Kratkaya characteristic of projections and districts. - Samarkand: Izd.TK R Uz, 1926.
  3. Uzbekistan TsGA, stock R-86, 1st list, 3401 delo, list 4-8.
  4. Materialy Po Districtization Sredney Azii. Kn. I. Territory i naselenie Bukhary i Khorezma. Frequency 1. Bukhara. -T: Search. Commissioned by Sredney Azii, 1926.
  5. The modern history of Uzbekistan. Book 2 Uzbekistan during the Soviet colonial era. Scientific editor M. Juraev. -Tashkent: Eastern, 2000.
  6. Uzbekistan NGA, R-86 Stock, 1st List, 3402 Delo, Box 334.
  7. Rajabov K., Kandov B., Rajabova S. Znamenatelny daty istorii Ўзбекистана. - Tashkent: Uzbekistan, 2015., 480.
  8. Uzbekistan NGA, R-86 Stock, 1st List, 3405 Delo, Box 299.
  9. Uzbekistan NGA, Stock R-86, 1st List, 3405 Delo, Box 333.
- Note:\* Vorsta is a unit of Russian length measuring 1.0668 km.  
Hutches - very small villages with 5-10 farms.  
\* A desyatina is a unit of length measuring 1.03 hectares.  
\*\*\*\* One pound is a unit of weight equal to 16.38 kg.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**МАХСУС СОН**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000